

ФАРМАЦЕВТИК САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН МАЛХАМЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Минаварова Гавхарой Мукимджановна

АДТИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада фармацевтик саноатда ишлаб чиқариладиган сақичли - мумли, қўрғошинли, каучук , суюқ малхамлар тайёрланиш усуллари, малхамлар таснифлари, таркибий қисмлари қўриб чиқилган

Калит сўзлар

Комбинация, кукун, эритилган, эпидерматик, эндерматик, диадерматик, терапевтический, тозаланган, бактерицид, эритувчан

Annotation

In this article it has been considered methods of preparation of gummy - waxy, plumbeous, rubber, liquid plasters which are produced in the pharmaceutical industry, classifications of plasters and their components

Keywords:

Combination, powder, dissolved, epidermal, endermatic, diadermal, therapeutic, purified, bactericidal, soluble

Annotation

Малхамлар (*emplastra*) - ташқарига қўллаш учун мўлжалланган , тана харорати таъсирида юмшагандан сўнг терига ёпишиш хусусиятига эга. Тана харорати кўтарилиган сари малхамлар эриб, суюқликка айланади. Қўлланилиши қулай бўлиши учун уларни қофозга ёки матога суртилади. Қўлланилишидан кейин малхамларни изини қолдирмасдан теридан осон олиб ташлаш мумкин . Суртмалар каби, малхамлар қадими, дунёнинг бутун фармакопеяларига киритилган дори шакли хисобланади.

Хозирги вақтда малхамлар номенклатураси ва уларнинг қўлланилиши хилма – хил. Малхамлар таркибига сақич (смола), парафин, мум, олий ёғли кислоталар тузлари (қўрғошинли совун), ёғлар, каучук, сақичли кислоталар тузлари (рух резинат), ланолин, вазелин, церезин, учар эритувчилар (эфир, этанол), турли хил доривор воситалар киради. Тўғри танланган комбинация малхамларга керак бўлган таркибий – механик хусусиятлар бағишлайди ва секин – аста юмшаб, танада қолиб терапевтик таъсир кўрсатади.

Малхамларнинг қўп таснифлари мавжуд. Масалан, агрегат холатига қараб улар қаттиқ ёки суюқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, малхамлар эритма, суспензия, эмульсия ёки комбинацияланган тизим(массанинг дисперс даражасига қараб) холатида бўлиши мумкин. Тиббий кўрсатмага ва терапевтик таъсирнинг чукурлигига қараб малхамлар эпидерматик, эндерматик ва диадерматик бўлади.

Таркибига қараб малхамларнинг қуидаги турлари мавжуд:

- сақичли - мумли;
- каучукли;
- қўрғошинли;
- суюқ.

САҚИЧЛИ – МУМЛИ МАЛХАМЛАР

Сақичли – мумли малхамлар асоси сифатида унга ёпишқоқлик берувчи парафин, вазелин, петролатум, ёғ билан сақич (канифоль) ва мум эритмалари қўлланилади. Бу малхамларнинг яққол намоёндаси қадоққа қарши малхам (*Emplastrum ad clavos pedum*) . Унинг таркиби қуидагича:

- Салицил кислотанинг 20 қисми;
- Канифолнинг 27 қисми;

- Парафиннинг 26 қисми;
- Петролатумнинг 27 қисми.

Қозонда парафин, канифол, петролатум илиқ аралашмасида салицил кислота эритилади. Тайёр малхамни Зг. идишларга қуйилади.

ҚҮРҒОШИНЛИ МАЛХАМЛАР

Буларнинг мажбурий компоненти қўрғошинли совун хисобланади, унинг ижобий хусусиятлари:

- ифлосланмаслиги;
- турли хил сақичлар, мумлар ва доривор моддалар билан яхши эрийди;
- сақлашга барқарор.

Манфий хусусиятлари - уларнинг индифферентмаслиги.

Қўрғошинли малхамлар таркибига оддий малхам киради (*Emplastrum Plumbi simplex*), Унинг таркиби :

- Кунгабоқар мойининг 10 қисми;
- Тозаланган чўчқа ёғининг 10 қисми;
- Майда кукун холатидаги қўрғошин оксидининг 10 қисми;
- Керакли миқдорда дистилланган сув.

Бу малхамнинг асоси - зангламас пўлатдан тайёрланган қозонда сув аралаш қўрғошин оксид ва ёғлар совунланиш реакцияси натижасида пайдо бўлган масса. Оддий қўрғошинли малхамни доривор шакл сифатида мустақил қўлланилмайди, у қўрғошинли суртма, мураккаб қўрғошинли малхам, эпилин малхам в.б. таркибига киради.

Таркибига оддий қўрғошинли малхам кирувчи малхамларнинг турлари қўйидагича:

- қўрғошинли – сақичли (мураккаб қўрғошинли малхам);
- қўрғошинли - мумли (эпилин, акрихин малхам).

Мураккаб қўрғошинли малхам (*Emplastrum Plumbi compositum*) нинг таркиби қўйидагича:

- оддий қўрғошинли малхамнинг 85 қисми;
- канифолнинг 10 қисми;
- терпентин мойиннинг 5 қисми.

Буни тайёрлаш учун қўрғошинли малхам билан канифолни эритади ва бироз совитиб аралаштирилган холда терпентин қўшилади.

Мураккаб қўрғошинли малхамни ёнгил тирновчи восита сифатида терининг йирингли яллиғланишларда, фурункулларда қўлланилади.

4% эпилин малхамининг (*Emplastrum Epilini 4%*) таркиби:

- эпилиннинг 4 қисми;
- оддий қўрғошинли малхамнинг 54 қисми;
- мумнинг 5 қисми;
- сувсиз ланолиннинг 22 қисми;
- сувнинг 15 қисми .

Акрихин малхам (*Emplastrum acrichini*) таркиби:

- Акрихин 10 қисми;
- Метилсалицилат 15 қисми;
- Қўрғошин малхамнинг 45 қисми;
- Сувсиз ланолин 10 қисми;
- 95% спирт 10 қисми;

■ Сув 10 қисми.

КАУЧУК МАЛХАМЛАР

Каучук малхамларни синтетик ва табиий вулканлашмаган каучук асосида сақич, бальзам, ёғсимон моддалар қўшиб тайёрланади.

Каучук малхамнинг афзалиги - терининг тирновчи хусусияти йўқлиги, афзаликлари - кўп дори воситаларга бефарқлиги, хаво ва намликин утказмаслиги.

СУЮҚ МАЛХАМЛАР

Суюқ малхамлар (тери елимлари) эритувчи парлангандан сўнг терида ингичка эластик ёпишқоқ пленка қолдирадиган осон учувчи суюқлик. Буларни асосан эпи- ва эндерматик малхам сифатида , шунингдек теридаги хирургик боғламларни мустахкамлаш ва кичикроқ тери шикастларини даволаш учун боғловчи материал ўрнида қўлланилади.

Суюқ малхамларнинг таркибига коллодий, канифоль , полимер материаллар (этилцеллюлоза, сополимер винилпирролидон винилацетат билан, полиметакрилатлар ва акрилатлар .) киради. Эластиклик учун аралашмага ўсимлик мойи қўшилади.

Адабиётлар рўйхати

1. *Медицинская реабилитация* : учебник / Г. Н. Пономаренко. — М. : ГЭОТАР-Медиа, 2014
2. Минаварова Г.М. Аспекты обучения профессиональному языку студентов медвузов Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник - NamDU ilmiy axborotnomasi - 2022_2-сон
3. Рахматова З.М. Роль интерактивных методов в обучении студентов самостоятельному мышлению. - Экономика и социум №10 (101)2022
4. Минаварова Г.М. Ногиронлар ижтимоий адаптацияси омиллари. Экономика и социум №03 (118)2024